



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (12.194)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Давлат ва жамият тараққиётини баҳолайдиган мезонлар кўп. Ана шу мезонлардан бири ва балки энг асосийси — аёлларга муносабат масаласидир. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятда маъқеини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### Тадбиркорлик

## БУЮРТМАЧИЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

Натижада ишбилармон аёллар сони ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг тадбиркорлик соҳасида ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун кенг шарт-шароитлар яратишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши аҳоли бандлигини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида ра-

қобат муҳитининг шаклланишида муҳим омил бўлмоқда. Сергели туманида фаолият юритаётган «Очил бобо сулоласи» хусусий фирмаси чеварлари тикаётган тиббиёт, спорт кийимлари, касалхона кўрпа-ёстиқлари, турли ўлчамдаги ётоқхона жиҳозлари, рангоранг либослар каби ўндан зиёд маҳсулотлар буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Фирмада ишчилар сони йил сайин ортмоқда. 2005 йилда 5 киши билан иш бошланган бўлса, ҳозирда эллика яқин ёшлар доимий иш билан таъминланди. Ҳабибий маҳалласи аҳли «Очил бобо сулоласи» хусу-

сий фирмаси раҳбари Саодат Султоновани ишбилармон, зукко, кўли очил аёл сифатида хурмат қилади. — Аёлларимизга фарзанд тарбияси ва уй-рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда тадбиркорликни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, касаначилик орқали даромад топиш, оилада, жамиятда ўз ўрнини янада мустақамлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди Саодат опа. — Бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш орқали молиявий кўмак ҳам берилмоқда. Мен «Микрокредитбанк»дан 5 фоизли 50 миллион сўм миқдорда кредит олиб, тикувчиликда қўл келувчи замонавий машинкалар харид қилиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. (Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимизда 5 июль куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакатнинг савдо-саноат, сармоя, энергетика, машинасозлик, қурилиш, ахборот технологиялари каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернларининг раҳбар ҳамда вакиллари иштирок этди.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Баҳром Ашрафонов, Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги директорининг ўринбосари Мин Хюн Чжон мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур бизнес-форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш, давлат харидлари тизимини такомиллаштириш учун янги имкониятлар очиши кайд этилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётди. Иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоiasi иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг саксондан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озик-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Айниқса, «Корейан Эйр» авиакомпаниясининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти худудидаги трансконтинентал интермодал хаб билан боғлиқ фаолиятни диққатга сазовордир. Бу ердан ҳар ҳафтада Осиё ва Европанинг йирик иқтисодий ва молиявий марказларига 24 тагача парвозлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея бизнеси вакиллари «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзаро манфатли қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Бизнес-форум иштирокчилари 2011 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги ўртасида имзоланган уч томонлама англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасида молиявий ва техникавий ҳамкорликни янада кенгайти-

риш ва мустақамлашга, электрон давлат харидлари тизимини жорий этиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — деди Мин Хюн Чжон. — Ўзбекистонда электрон таъминот тизимини татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида қатор истиқболли иқтисодий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётди. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилмоқда. Ушбу форум келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш ва мустақамлашга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Делегация аъзолари мамлакатимизда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит Жанубий корейлик ишбилармонларнинг ҳам қизиқишини тобора ошираётганини кайд этдилар. Анжуманда Жанубий Кореянинг бир неча фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Форумда корейлик ишбилармонларга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, давлат харидларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, бу соҳаларни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, ушбу тармоқларни тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қурилиш, ахборот технологиялари, энергетика, сув ҳўжалиги соҳаларига иқтисослашган корхоналар ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналар ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ноира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА муҳбири



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарё вилоят ҳокимлигида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ва Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг қўшма сайёр мажлисида «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш масалалари муҳокама қилинди.

• Ўрта Чирчиқ туманида «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзуда илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилди.

• Навоий вилояти Кармана туманидаги «Уйрот» маҳалла фуқаролар йиғини худудида пиллани қайта ишлайдиган «Richard Best Silk» шўъба корхонаси ишга туширилди. Корхона фаолият бошлаши натижасида 75 нафар киши иш билан таъминланди.

• Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган республика лапар ва ўлан ижрочилари кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи якунланди.

• Сарийосиё туманидаги «Махсус қурилиш-таъмирлаш бутлаш» МЧЖда йилга 7 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга туширилди. Айни кунда 10 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа аъзолари ойига 550-560 минг дона пишиқ гишт тайёрлаб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб беришмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида инсон миясини машқ қилдиришга ихтисослашган спорт зали очилди. Маълумотларга қараганда, бу ерда асосий эътибор мижозининг ижодий ва руҳий қобилиятларини кучайтиришга қаратилади. Лойиҳага кўра, махсус компьютер тренажёрлари ёрдамида хотирани кучайтириш ва аклий ўйинлар бўйича турли машқлар ўтказилади. Мия машқлари учун кўшимча тарзда таклиф этилаётган ёруғлик терапияси эса мия фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бир мартали муолажа етмиш еврога баҳоланмоқда.

• АҚШнинг «Полароид» компанияси рақамли фотоаппаратнинг янги русумини ишлаб чиқди. Унга жойлаштирилган махсус принтер бир вақтнинг ўзиде ўнта суратни босиб чиқариш имконини беради. Компания вакилларининг сўзларига кўра, расмнинг формати энга беш ва бўйига етти сантиметрни ташкил этади. Мазкур технологиядан видеокамера сифатида фойдаланиш, олинган суратларни «Полароид» хотирасида сақлаб қолиш ҳам мумкин.

• Буюк британиялик археологлар Ла-Манш бўғозига жойлашган Жерси оролидан Европа тарихидаги энг йирик хазиналардан бирини топдилар. Мутахассисларнинг айтишича, Жерсидан топилган қадимги қумуш ва тилла тангалар эрамиздан аввалги 50 йилда зарб этилган. Хабарларга қараганда, топилмада жами эллик мингга яқин танга бўлиши мумкин. Улардан ҳар бири уч юз АҚШ долларига баҳоланмоқда. Хазинанинг умумий қиймати эса ўн миллион доллардан ошади.

## ОЛИМПИАДА ДАСТУРИДАН ЎРИН ОЛАДИ

**Шаҳримизда мустақиллик йилларида кўплаб замонавий спорт иншоотлари қад ростлади. Бу эса ҳар хил спорт турлари бўйича жаҳон, қитъа чемпионатлари ва бошқа нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш учун мустақам замин бўлмоқда.**

Шаҳримиз яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилмоқда. Яъни 9-17 июль кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида каратэ бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади ва ушбу йирик халқаро турнирга пухта тайёргарлик кўрилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, каратэнинг Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин оладиган тури бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида Япония, Хитой, Жанубий Корея, Эрон каби етакчи давлатлардан жами мингга яқин спортчилар қатнашиб, ғалаба учун кураш олиб боради. Чемпионатда аёллар ҳам иштирок этади. Яъни турнир 14-15 ёшли катетлар, 16-17 ёшга тўлган ёшлар ва 18 ёшдан катта бўлган катталар ўртасида ташкил этилади.

Турнир расман 9 июлдан бошланса-да, дастлабки кунларда ҳакамлар ва мураббийлар ўртасида семинарлар, Осиё каратэ федерациясининг конгресси бўлиб ўтади. Чемпионат беллашувлари эса асосан 14-17 июль кунлари ўтказилади.

Айтиш керакки, юртимиз каратэчилари ушбу нуфузли мусобақаларга катта тайёргарлик кўришди. Жумладан, тажрибали бош мураббий таклиф этилиб, унинг бошчилигида яккакураш усталаримиз Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Ширинбулоқ кўрғонига жойлашган шарқ яккакурашлари маркази спорт базасида чемпионатга пухта тайёрланди.

Осиёнинг энг кучли каратэчиларидан бири 84 килограмдан юқори вазндаги Рустам Ашуров, 2010 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қумуш медалга соҳиби бўлган Достонбек Отаболаев, 15 ёшли, ўтган йили Малайзияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 5-ўринни қўлга киритган Садриддин Сайматов, шунингдек, 2010 йили Осиё чемпионатида бронза нишонларига эгалик қилган Барно Мирзаева каби юртдошларимиздан умидимиз катта. Уйлаймизки, улар ўз вазн тоифаларида олтин медаллар учун кураш олиб боришади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан 307-ўрта мактабда «Хайр

оромгоҳим» мавзуда адабий кеча ва концерт дастури ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими томонидан Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда туман-

даги «Бободехқон» маҳалласи гузарига «Ақидапастлик ва диний экстремизм кўринишларининг олдини олишда аёлларнинг ўрни» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Миллий богда «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтади.

## БҮЮРТМАЧИЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг биринчи чора-гида қарийб 7 миллион сўмлик маҳсулот жойларга етказиб берилди. Мисол учун, тендер асосида олинган буюртмалар — Навоий вилояти Меҳрибонлик уйидаги болаларга турли хилдаги либослар, Қорақалпоғистон Республикасида спорт рюкзаклари ва футболкалар, Охангарондаги Қариялар уйига тунги, ички кийимлар ва халатлар тикиб берилди.

— Иккита фарзандим бор, уларни боғчада қолдириб, ишга келман, — дейди тикувчи Садоқат Жаҳонгирова. — Баъзида уйда тикиб келиш учун ҳам либосларни олиб кетамиз. Шунда уй ишларидан бўш вақтимда бемалол қўшимча даромад қилишим мумкин. Цехда ҳам барча имкониятлар яратилгани боис ишимиз унумли бўлади, ку-

ни тарбияламоқда. Онасининг яқин ёрдамчиси Шохистахон янги турдаги либослар яратиш истагида Тошкент тўқимачилик институтида дизайн йўналишида таҳсил олмоқда. Анавар, Алишер, Жамшид эса ота-онасидан тадбиркорликни ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Кенжатоий Меҳриддин ҳам тадбиркорлик соҳасини мукамал ўрганишга бел боғлаб, ҳозирда Сергели молия касб-хунар коллежида билимини ошироқда.

— Мамлакатимизда аёлларнинг барча жабҳада фаоллиги ошиб бораётганидан қувонаман, — дейди С. Султонова. — Энг муҳими, хонадонимиз тинч, тонгларимиз осуда, фарзандларимиз камолдан кўнглимиз тўқ. Юртбошимиз раҳнамолигида биз, аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кучимизга куч қўшади, оила ва жамият равнақида дахлдорлик ҳисси билан яшагача, изланиш ва интилишга ундайди.

Янада кўпроқ иш ўринлари яратиш истагидаги тадбиркор аёл цехи энг замонавий жиҳозлар билан тўлдириш ниятида Хитойнинг машхур фирмаларидан бири билан 16 та тикув машинаси харид қилиш борада шартнома имзолади.

Юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган тадбиркор аёл, улкан орзу-умидлар ила 5 фарзанд-

ни тарбияламоқда. Онасининг яқин ёрдамчиси Шохистахон янги турдаги либослар яратиш истагида Тошкент тўқимачилик институтида дизайн йўналишида таҳсил олмоқда. Анавар, Алишер, Жамшид эса ота-онасидан тадбиркорликни ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Кенжатоий Меҳриддин ҳам тадбиркорлик соҳасини мукамал ўрганишга бел боғлаб, ҳозирда Сергели молия касб-хунар коллежида билимини ошироқда.

— Мамлакатимизда аёлларнинг барча жабҳада фаоллиги ошиб бораётганидан қувонаман, — дейди С. Султонова. — Энг муҳими, хонадонимиз тинч, тонгларимиз осуда, фарзандларимиз камолдан кўнглимиз тўқ. Юртбошимиз раҳнамолигида биз, аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кучимизга куч қўшади, оила ва жамият равнақида дахлдорлик ҳисси билан яшагача, изланиш ва интилишга ундайди.

**Зиёда ВОҲИДОВА**  
**Козим ҲАММОНОВ**  
**олган суратлар**



**Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида 2012-2013 йилги куз-қиш мавсумига қизгин ҳозирлик кўриляптир. Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан ҳам куз-қиш мавсумида иқтисодий тармоқларнинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Шу муносабат билан тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар дастури коммунал хизмат, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа тегишли тармоқлар раҳбарлари ҳамда мутахассислари зиммасига куз-қиш мавсумида тизим ишини талаб даражасида йўлга қўйиш, истеъмолчиларга узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича катта масъулият юклайди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришни мувофиқлаштириш гуруҳи қишга тайёргарлик бўйича тадбирлар режасининг амалга оширилишини назорат қилади, юзга келган муаммоларни зудлик билан ҳал этади.

Ҳозирги вақтда мактаблар, мактабгача таълим, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар, уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш, қозонхоналар, иссиқлик трассалари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш, зарур ёқилги захирасини яратиш, электр ҳамда газ таъминоти қурилмаларини текшириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни электр энергияси, иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлашдаги узилишларнинг олдини олиш имконини беради.

— Иситиш мавсуми ниҳоясига етиши билан, яъни апрель ойиданоқ навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик бошланади, — дейди Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиев ўз ахборотида. — Дастлаб, шахримиздаги корхона ва ташкилотлар, умумтаълим ва тиббиёт муассасалари, маҳаллалар, кўп қаватли уйларнинг мавсумга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилади, аниқланган камчиликлар бартараф этилади. Хар йилги кўп қаватли уйларни капитал таъмирлаш бўйича аниқ манзилли рўйхат тузилади. Утган йили 425 уй-жой капитал таъмирланди, бу йил эса 300 кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш режалаштирилган. Иссиқлик тизими, канализация, электр тармоқларини модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Қишнинг совуқ кунларида аҳоли саломатлиги, меҳнат самарадорлиги кўп жиҳатдан уйлар ва иш жойларидаги иссиқлик таъминоти билан боғлиқ. Пойтахтимизда 18 июндан 26 июлгача иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, иссиқ сув узатишни чекламаган ҳолда,

иситиш тармоқларининг механик чидамлилиги ва зичлиги синовдан ўтказилади. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан 7248 турар жойда иссиқлик таъминотининг ички тизимлари ювиб тозаланди, 6862 иссиқлик узелларида профилактика ишлари ўтказилди, 1811 зарур торайтириш қурилмалари ўрнатилди.

Шунингдек, 334 турар жойнинг олд томони таъмирдан чиқарилди, кириш йўлакларига 556 темир эшик ўрнатилди. Кўп қаватли уйларнинг атрофи ободонлаштирилмоқда, 425 болалар

## Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа ҚИШ МАВСУМИГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

майдончаси қурилди ва таъмирланди, 1963 гараж тартибга келтирилди ва бўялди. Бундан ташқари, 515 минг квадрат метр том жорий ва 173 минг квадрат метр том капитал таъмирланди. Миробод туманидаги «Нукус коммунал», Юнусобод туманидаги «Чимён коммунал», «Орзу коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларнинг томлари янгиланди. Муҳими, бу ишларни бажаришда «Ales-polizol sintez» масъулият чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий нам ўтказмайдиган том ёпиш материаллари — бикромдан фойдаланилмоқда. Том ёпиш бўйича катта тажрибага эга Марлен Маматовнинг таъкидлашича, бу материалнинг сифати юқори, у бизнинг иккам шароитимизга жуда мос бўлиб, 5-7 йил бемалол хизмат қилиши мумкин. Юнусобод туманидаги «Файз коммунал» ва Учтепа туманидаги «Хилола сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли уйларда том ёпиш ишлари қизгин давом этмоқда.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасидан маълум қилишларича, 2327 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати пойтахтимиздаги 9155 кўп қаватли уйга хизмат кўрсатмоқда. Подваллар тартибга келтирилмоқда, сув ўтказувчи тикка қувурлар, тагсинлар, лўкидонлар алмаштирилмоқда, уйларнинг кириш йўлаклари ва томлари таъмирланмоқда. Бу борада уларга туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар ва тижорат банклари яқиндан ёрдам бермоқда.

**«Рақамли синов столи». Бу ибора эндиликда алоқа соҳасида тез-тез тилга олинмоқда. Микроэлектроника ёрдамида ишлашга мослаштирилган ушбу мослама яқин келажакда кенг оммалашини турган гап.**

## Алоқа ХИЗМАТ СИФАТИ ОШАДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали мутахассислари изланишлари натижасида юзга келган «Рақамли синов столи» фойдаланувчилар учун қатор имкониятларни яратади. — Абонентлик линияларини текшириш жараёнларини автоматлаштиришда ундан кенг фойдаланиш мумкин, — дейди «ТШТТ» филиали бош мутахассиси Хуршид Ҳидоятгов. — Меҳнат самарадорлигини ошириб, абонентларга хизмат тезкорлиги ва сифатини оширишда ҳам кўл келади.

Ўлчаш натижалари рақамли шаклда суяқ кристалли индикаторда ва икки рангли ёритиш билан светодорда ифодланади. Мазкур ишланма яна қатор афзалликларга эга. Кросс ускунасини рақамли электрон станция даражасигача такомиллаштиришда ҳам ундан фойдаланилади. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, рақамли синов столи алоқа тармоқларидан ташқари автоматик телефон станциясига эга бўлган бошқа соҳаларда ҳам татбиқ этилади.

Акбар АЛИЕВ

## Янгиликлар МУРАККАБ АСБОВЛАР ИХТИРО ҚИЛИНДИ

**«Гидрометасбоб» илмий ишлаб чиқариш маркази Марказий Осиёда ягона муассаса ҳисобланади. Бу корхонада гидрометеорология ва экология йўналишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.**

«Бошгидромет» таркибидаги махсус конструкторлик бюроси негизда ташкил этилган «Гидрометасбоб» маркази ўз фаолиятини бошлаганига роппа-роса 20 йил бўлди. Бу орада кўплаб аппарат ва қурилмалар тайёрланди.

Ҳавонинг намлигини ўлчайдиган датчиклар, электрон ҳарорат ўлчашчилар, куёш радиациясини аниқлайдиган қурилмалар шулар жумласидандир. Улар жаҳонда бошқа мамлакатларда фойдаланилаётган техника воқитларидан сира қолишмайди.

Ихтиро қилинган техник қурилмалар атмосферанинг узоқ масофасигача бўлган қатламлари кузата олади. Об-ҳавони тўғри айтиб беришга ёрдам берувчи мураккаб асбоблар ҳам ихтиро қилинади.

Шулардан бири циклоннинг ҳаракатини аниқлаб берадиган, баландлиги 300 метр келадиган улкан циклотрон ҳисобланади. Об-ҳаво маълумотлари деярли бехато аниқланадиган қурилмаларни яратиш устида марказ мутахассислари самарали изланмоқдалар.

Аҳмад ОБИДОВ

## ТАЪЛИМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси жамият ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Бунда асосий эътибор аввало, ёшларнинг кучли, билимли ва юксак маънавиятли баркамол инсон қаратилмоқда.**

Хусусан, 2012 йил 16 март куни бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгагининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз мамлакатимиз ёшларига юзларан экан, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг ўзида яна 14 та мактаб, 3 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежлари реконструкция қилинишини таъкидладилар. Демак ёшларнинг билим олишига янада кўпроқ шарт-шароит яратилади.

Бугунги кунга қадар юртимизда таълим соҳасини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни яқинда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги Халқаро конференция мисолида кўришимиз мумкин. Яъни, ушбу конференцияда таълим соҳасида қабул қилинган миллий дастуриимизни жаҳон оммасига тақдим этиш ва бу борада олиб борилган ислохотлар билан ўртоқлашиш бош мақсад сифатида белгилаб олинган эди. Конференция аъзолари бир қатор мактаб, академик лицей, коллеж ва олийгоҳлар салоҳиятини кўздан кечирар эканлар, эндиликда ўқув юртлари сонини янада кўпайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини бойитиш юзасидан вазифалар аниқлаб олинди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ёшларимиз яратиб берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб келгуси авлодга ўрнатилган бўлиши лозим. Бунда мамлакатимиз ёшлари шахримизни янада ривожлантириш дастурини аниқлаб етиши, унинг туб мазмун-моҳиятини тушуниб олиши ва амалга оширилишида ўзининг ҳиссасини қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Лазизбек МАДУМАРОВ,  
ТЮДИ магистранти

Леся ВОЯКИНА

**Меҳр-оқибатли халқмиз. Кўни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари бизда азалдан эзгу қадрият саналади. Хурсандчилигини яқинлари билан баҳам кўриш истиғи халқимизнинг ҳам-жиҳатлиги, жипслиги, ахиллигидан дарак беради. Тўй – миллатимизга хос анашундай бетакрор фазилатлардан бири.**

Чиндан ҳам кўнглинг суйган одам билан дилдан суҳбатлашганга нима етсин! Бундай пайтда дастурхонга нималар кўйилгани, неча хил таом тортилгани муҳим эмас. Асосийси – яхши гурунг, маънавий суҳбатдан кўнгли ярайди.

Дўсту биродарларнинг бир-бирини йўқлаб, дийдор кўришидан мақсад ҳам шу аслида. Аммо кейинги пайтларда тўйларни ўтказишда кўшимча маросимлар тобора кўпайиб бормоқдаки, улар маънавий суҳбатлар эмас, дабдабозлик, ҳашамат, кимўзарлик ва охир-оқибат исрофгарчилик асосига қурилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид Фармони қабул қилинган эди. Албатта, шундан сўнг халқимиз табиатида ёт бундай хунук ҳолатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари анча тартибга тушди.

Бироқ вақт ўтиши билан ўз-ўзини кўз-кўз қилишининг, шухратпарастлиги дабдабозликнинг янги-янги усуллари пайдо бўла бошлади. Энг ёмони, бундай нохуш одатларнинг «ижодкорлари» ўзимиз. «Маҳаллада дув-дув гап» фильми қахрамони сингари битта кўзини ҳаммага ўнта қўй, деб айтгимиз келади. Ҳофизнинг овозини етти маҳаллага етказишни истаймиз. Ўша фильмда Лутфихоним Саримсоқова ижросидаги Меҳринисо ая айтганидек, «бу тиниб-тинчимаган одамлар нималарни ўйлаб чиқармайдими».

Ҳа, кундан-кунга кўпайиб бораётган бундай одатларнинг азалий миллий қадриятларимизга алоқаси йўқ. Улар кимлар томонидандир ўйлаб топилган, балки кимларнингдир манфаатида хизмат қиладиган бидъат-хурофотлардир.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида никоҳ тўйи давомида йигирмага яқин маросим ўтказилади. Баъзан бу маросимларнинг ҳар бири алоҳида тўйга айланиб кетади. Уларда ўзаро алмашинадиган совға-саломлару сарпою тоғораларни айтмай қўя қолайлик.

Ўтган йили қизини узатган тошкентлик Гулсанам опанинг айтишича, урф-одатга кўра, дастлаб «оқ ўрар» маросими бўлади. Унда қизнинг онаси розилик аломати сифатида куда томондан келган аёлларга бош-оёқ сарпо, мева-ширинликлардан ясалган сават беради, дастурхон безатиб, меҳмон қилади. «Катта фотиха» маросимида куёв томондан ўрлар тоғорада озик-овқат ҳамда келинга сарпо келади. Қиз томондан улардан ошириб, яъни тоғора-тоғора таом, куёв ва куда-ларга сарпо қилинади.

Тўйдан олдин куёвниқанда «Мол ёяр» – мебель, парда, идиш-товоқлар, ўрин-кўрпа, гиламларни намойиш этиш маросими, келин-никида «Кизлар мажлиси» ўтказилади. Тўй куни ресторанда ош берилади, кўёвнавкарлар кутилади. Тўйдан сўнг «Келин салом», «Чарлар», «Ҳафталик» маросимлари, ҳайитлар муносабати билан яна бир қанча кўшимча расм-русумлар бажарилади.

Опанинг айтишича, қизи яқинда фарзандли бўлар экан. Энди у «Кичик қовурдоқ», «Катта қовурдоқ», маълум бир вақтдан сўнг «Бешик тўйи» маросимларини ўтказиши керак экан. Унда ҳам йиғилганларга турли совғасаломлар улашилади. Чақалоқ қирқ кунлик бўлганда, «Чиллагузарон» ўтказилиб, куёв томон турли сарпо, овқат ва пишириқлар билан меҳмон қилинади.

Ўйлаб қаралса, тўйдан олдинги ва тўйдан кейинги маросимлар шунчалки кўп эканки, уларни адо этиш учун қанча маблағ кетишини оддий хомчўт қилишнинг ўзиёқ унча-бунча оилани шошириб қўйиши тайин. Буларнинг барчасига яна қанча одамнинг қимматли вақти кетади, ишдан қолади, гоҳида асаб-бузарлик ҳам бўлади.

Хўш, бундай ортиқча маросимлар, катта-катта сарф-ҳаражатлардан мақсад нима? Наҳотки, икки ёшнинг бахти учун шунча нарсасунча маросим керак бўлса?! Ёшларнинг бахти, оиланинг мустақамлиги шулар билан белгиланадими?.. Кошки эди... Бизнингча, ушбу тартиб-қоидаларни «кашф» этаётганлар бу ҳақда ўйламайди ҳам.

Бундай ҳавас ва интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиши эса ор-номусли кишиларни оғир аҳволга тушириб, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Тўйдан кейинги келишмовчиликларга сабаб бўлиб, оилалар мустақамлигига путур етказди. Шу боис тўй-ҳашам, оилавий тадбир, маърака ва маросимларни тартибга солиш бугунги кунда жамиятимиз олдида долзарб масалалардан бўлиб турибди.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши хайрли бир ташаббус бошлади: тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга оид қарор қабул қилди.** Унга кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ушбу тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилди. Улар томонидан тўй ва маросимларни ўтказишдаги меъёрлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

– Бундай кенгашлар Тошкент шаҳар ва барча туман ҳокимликларида, пойтахтимиздаги 476 маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритади, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова. – **Жамоатчилик кенгашларининг олимлар, тадбири ва маҳалла фаолларидан таркиб топгани аҳолининг уларга нисбатан эътибори ва ишончини оширмоқда.** Яқинда Шайхонтохур туманидаги Жангоҳ маҳалласи, Юнусобод туманидаги Матонат ва Мингўрик маҳаллаларида мазкур кенгаш тавсиялари асосида намунавий тўйларни ўтказдик. Қисқартирилган ёки ихчамлаштирилган маросимлардан, қаторлашган автомашина ва «бирровчи» хонандаларга кетадиган харажатлардан тежалган маблағ эвазига ёш оилага

**Юксак маънавият — энгилмас куч**

«мода»ларга етакламоқда. Шу вақтгача «Жип» ва «Лимузин»ларда сайр қилган келин-куёвлар энди оқ отли фойтунларда шаҳар айланмоқда. Чунки юқоридаги автомашиналарда юриш ҳайратланарли бўлмай қолди. Фойтунда сайр қилиш эса (ҳозирча) янгилик!

Бундай янги хизматларни таклиф этаётганлар ўз билганича нарх бичиб, кўплаб оилаларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Энг қизиғи, бундай янги тартиб-қоидаларнинг ортиқча даҳмаза эканлигини ҳаммамиз биламиз, уларни қисқартиришга ич-ичимиздан кўшимамиз. Лекин амалга келганда, фикримизга суяниб иш кўрмаймиз. Одамлар нима дейди, деган истихолани ҳеч энгилмаймиз. Оқибатда ўз истагимизга, имкониётларимизга қарши борамиз.

Тўйни маънавият белгиси, дўсту биродарларнинг ширин дийдорлашуви, дедик. Ҳа, тўйга ёки меҳмондорчиликка боришдан мақсад қорин тўйғазиш эмас. Бироқ сўнгги пайтларда тўй ва маросимларда, меҳмондорчиликда маънавий иштиёқдан кўра моддийлик устун бўлиб бораётганга ўхшайди. Бир овқатни еб бўлмасдан иккинчиси, уни ҳазм қилмасдан учинчиси тортилади. Ёнингдаги одам билан ҳол-аҳвол сўрашиш, гурунглашишга деярли фурсат бўлмайди. Қулоқни қоматга келтирадиган мусиқа эса гапни-гапга қўшмайди...

Ибн Сино бобомиз ўз асарларида бир овқат тўлиқ ҳазм бўлмасдан иккинчисини ейиш меъда фаолиятини бузишини бот-бот тақорлаган. Бунга бутун дунё риоя қилади. Аммо буюқ табибнинг ворислари бўлган биз бу қоидадан гўё унутиб қўйганмиз.

Муқаддас динимизда хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда меъёрдан ошиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш қораланади. Қуръони Каримнинг «Фурқон» сураси 67-оятда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг маҳбуб бандалари эканлиги таъкидланади. Ҳадиси шарифлардан бирида «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, қийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманлар!» дейилади.

Тўйларимиз – юртимиздаги тинчлик, халқимиз фаровонлиги белгисидир. Ҳолбуки, дунёда қанчадан-қанча одамлар уруш ва таҳлика ичида яшаётти. Биз шундай эркин ва обод дийрда роҳат-фароғатда тўю шодиёнлар ўтказаятган эканмиз, бунга шукр қилиш, ҳаддан ошмаслик, меъёрни билиш зарур. Тўйлардаги ортиқча дабдаба, исрофгарчилик ҳам ношукрлик аломатидир.

Ҳа, юртимиз янада фаровон бўлсин, тўйларимиз, яхши кунларимиз кўпаяверсин – буни ҳаммамиз хоҳлаймиз. Лекин тўкинлик ва фаровонлиқни суиистеъмол қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш, турли ортиқча маросимларни жорий этиб, миллий анъаналаримизга путур етказишнинг нима кераги бор?

**Ўзига тўқ инсонлар халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини муҳтожларга, етим-есирларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, маҳаллаларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш каби ишларга сарф қилса – шундай эзгу саяй-ҳаракатлар орқали ҳақиқий обрў орттирса, қандай яхши! Бундай олижаноб, сахий, муруватли инсонларимиз кўп. Уларнинг сафи янада кенгайсин, деймиз...**

...Инсон организми ҳар қандай салбий таъсирни энгиб ўтиш учун бутун вужуди бир бўлиб унга қарши курашади. Бу иммунитет дейилади. Шундай курашилмаса, биргина вирус ҳам вақт ўтиши билан бутун организмни ишдан чиқариши мумкин.

Халқ ҳам бир бутун организм, ягона система кабилар. Бугун бир жойда пайдо бўлган нохуш иллат эртага бутун юртимизга тарқалиши ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш учун эса унга қарши биргаликда курашиш керак. Бу тушунчани, авваломбор, аёллар ва ёшларнинг онгига синдириш, қолаверса, уларга ортиқча эрк бериб қўяётган биз эркаклар ҳам чуқур англаб олмоғимиз зарур. Тўйларни дабдабозлик намойиши эмас, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини, гўзал урф-одатини ифода этадиган маросимга айлантириш эл-юртимизга фақатгина соғлом руҳ, фаровонлик бағишлайди.

**Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониётимиз ҳам етади.**

**Анвар САМАДОВ, Ўза Шарҳловчиси**

**БАХТ ДАБДАБАЮ ҲАШАМДАМИ?**

**Тўйлар билан боғлиқ турли маросимларни кимлар ўйлаб чиқармоқда? Булар ҳаётимизга қувонч келтиряптими ёки ортиқча ташвиш?**

...рузғор буюмлари олиб берилди. Энг асосийси, буни кўпчилик тўғри тушунди, мамнуният билан қабул қилди. Яна бир муҳим жиҳати, пойтахтимиздаги тўйхоналар билан узвий алоқа йўлга қўйилганидир. Эндиликда уларнинг маълумотлари орқали тегишли жамоатчилик кенгаши ўз ҳудудидаги тўй ва маросимлардан хабардор бўлиб боради, ташкилотчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беради. Бу орқали нафақат дабдабали тадбирларнинг, балки қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳам олди олинмоқда.

**Бу хайрли ташаббус халқимиз ҳаётига бефарқ бўлмаган, ўзини шу жамиятга дахлдор деб билган ҳар бир инсонни қувонтиради, албатта. Лекин ушбу меъёрларнинг ҳаётимизга чуқур сингиши, барчага бирдек меъёрга айланиши учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Аввало, халқ назаридаги одамлар, эл орасида обрў-эътиборли кишилар бу борада барчага ўрнак бўлишлари лозим.**

Масалан, сўнгги пайтларда айрим хонандаларнинг тўйлари ёзилган дисклар аҳоли орасида тарқалиб кетди. Уларда кўз-кўз қилинаётган кўрку ҳашамат оддий одамларга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Айниқса, оила қуриш арафасидаги ёшлар бундай дабдабали тўйларни кўргач, ҳою ҳавасларга берилиб, ота-онасини турли қийинчиликларга дучор қилиши, оқибатда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларга зиён етказиши ҳам мумкин. Ахир, бунақа тўй ўтказиш ҳам-манинг ҳам қурби етмайди-ку.

Дабдабали тўйнинг видеосини тарқатаётганлар аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳашамга ўчлик, такаббурлик ва манманликни тарғиб этиб қўймаётмикин?! Тегишли идоралар бундай номаъқулчиликларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли чоралар кўрса, юқорида тилга олинган иллатларнинг олди олинган бўлармиди...

Яна бир мулоҳаза. Бугунги кунда тўй ва маросимларни «юқори савияда» ўтказишни таклиф этаётган кўплаб фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг рекламаларида анъанавий хизмат турларидан ташқари «юлдузли осмон», «капалак ва шарлардан феерверк», «шоколадли фонтан» каби ғаройиб таклифларни ҳам учратиш мумкин. Номланишдан ҳам кўриниб турибдики, бу ғаройиботлар фақат дабдабаю аъсабага хизмат қилади. Тўй соҳиблари улардан ҳаммани ҳайрон қолдириш, бошқалардан ажралаб туриш, керак бўлса, шу йўл билан ўз обрўини ошириб олиш истагида фойдаланади.

Айнан мана шундай маънавий қашшоқ ис-тақлар бизни янги-янги расм-русумларга,

**Фан**

**АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИН**

**«Уникон.Ўз.» давлат унитар корхонаси эндиликда илмий изланишлар марказига ҳам айланиб қолди. Зеро, корхонада самарали меҳнат қилиш билан бирга, ўзларининг олимлик ишлари билан ҳам жамият тараққиётига муносиб ҳисси қўшаётган фан соҳиблари орасида аёл тадқиқотчилар ҳам бор.**

Корхона криптография илмий тадқиқот бўлимида олиб борган изланишлари натижасида Маҳмуда Назарова, Ойдин Аҳмедоваларнинг диффеференциал тенгламаларга доир ишланмалари амалиётга татбиқ қилинган ҳамда тўплам қилиб босмага тайёрланди.

**ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА ИХТИСОСЛИГИДА**

**Тошкент Ахборот**

**технологиялари университети «фалсафа» кафедраси аъзолари ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Кафедра мудири Гулмира Туленованинг докторлик диссертациясида ушбу мавзунинг долзарб масалалари кенг ёритилди.**

Таниқли олиманинг ижтимоий фалсафа, маданият, ёшлар сиёсатида оид муаммолар ҳамда демократик жараёнлар ҳақидаги тадқиқотлари ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилди. Яқин орада эса олиманинг навбатдаги монографияси ҳам нашр қилинади.

**ЯНГИ РЕЖАЛАР САРҲИСОБИ**

**Ҳужжат айланиши ва менежмент тизимини ривожлантириш илмий тадқиқот бўлими Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида алоҳида ўрин тутади.**

Бўлим жамоаси учун ўтган 2011 йил самарали бўлди. Ўндан ортиқ тадқиқот босма юзини кўрди.

Бу йил ҳам менежмент тизимини ривожлантиришга доир изланишлар асосида йирик монография босмага тайёрланмоқда.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«KOHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманларо судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-10857/11-сонли варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юнусова кўчаси, 3-уй, 40-хонадон манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 83,51 кв.м, яшаш майдони 54,80 кв.м бўлган, 4 хонали уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 13 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бево-сита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ари-залар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақ-ти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 10 август куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закарлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Илак йўли банки» ОАИБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz). Лицензия: RR-0001

# «ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИ ОИЛА» мусобақалари яхши анъанага айланмоқда

Соғлом мухитли оилада камол топаётган фарзандлар жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб, ҳаётда ўз олдига қўйган юксак мақсадларига эришадилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб, шунингдек, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар самарадорлигини ошириш, қадимий ақл-идрок ўйинларини маънавийтимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, оилалар ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантқий фикрлаш даражасини ўстириш, миллий ўйинлар турларини янада кенгроқ тарғиб этиш, хусусан, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳар «Махалла» ҳайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Отам, онам ва мен — спортчи оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Ушбу мусобақаларнинг I-босқичи жорий йилнинг 7 июлидан 30 июлигача пойтахтимиздаги спорт иншоотларида маҳаллалар ўртасида ташкил этилади. Ғолиб жамоалар кейинги ҳудудий босқичга йўлланма олади. Мусобақанинг финал босқичини 25 август куни ўтказиш режалаштирилмоқда.

«Отам, онам ва мен — спортчи оила» спорт мусоба-

**Фарзанди жисмонан соғлом, ақлли, маънавий жиҳатдан баркамол, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етиши учун ҳар бир ота ва она зурриёдига намуна бўлишга масъулдир. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бежиз айтилмаган. Оилада соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшаш ота-онанинг бу борадаги саводхонлик даражаси ва фарзандига қанчалик ўрнак бўла олишига боғлиқ бўлади.**

қаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомга кўра, маҳаллалардаги бир ва ундан ортик фарзандлари бўлиб, спортнинг бир неча турларидан (футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, бадий гимнастика ва ҳоказо) хабардор бўлган ота-оналар, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзанд (қиз, ўғил, ёки икки нафар қиз, икки нафар ўғил)лари билан оилавий спорт мусобақаларида иштирок этишлари мумкин.

«Тўсиқдан ошиш» эстафетаси, «Ким чаққон ва мерган», «Мохир ҳужумчи», «Арқон тортиш», «Ким эпчил» ўйини, «Ким чаққон» эстафетаси, шахмат ва шашка мусобақалари иштирокчиларнинг тез, чаққон ва аниқ ҳаракат қилишлари, мерганлик каби хусусиятларини намоён этишлари билан бирга ақлий имкониятларини ҳам оширишга қаратилган.

Мусобақа ғолиблари «Махалла», Маданият ва спорт

ишлари бошқармаси, Бола-лар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими ва хомийларнинг турли даражадаги мукофотлари, дипломлари ҳамда тегишли қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

«Отам, онам ва мен — спортчи оила» каби оилавий спорт мусобақаларининг маҳаллаларда ташкил қилинишидан асосий мақсад ҳар бир оилада жисмонан бақувват, мустақкам иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада мустақкамлашдан иборатдир.

**Агар фарзандингизнинг ёғзи татил кунлари қизиқарли, соғлиги учун фойдали ва мароқли ўтишини хоҳласангиз, «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақаларида иштирок этинг!**  
**Шаҳнозаҳон ҚУДРАТХҲАЕВА**



Мухаммад Амин (ЎзА) олган сурат

## «Осиё чемпионати — 2012» «АРДУС» — ЯРИМ ФИНАЛДА

**Мамлакатимизнинг кўпқарра чемпиони — «Ардус» жамоаси Қувайтда мини-футбол бўйича клублар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг гуруҳ беллашувларида биринчи ўринни эгаллади.**

Осиё футбол конфедерацияси шафелигида 2009 йилдан буён мунтазам ўтказилаётган нуфузли мусобақанинг финал босқичида кўпқарра чемпионнинг «Ардус» футболчилари «В» гуруҳидан чиқиш учун Япониянинг «Нагоя Оушенс», Ливаннинг «Ол Спортс» ҳамда Таиланднинг «Банк Рбак» жамоалари билан рақобатлашди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари дастлабки турда мажмур мусобақанинг амалдаги ғолиби — «Нагоя Оушенс» жамоасини 4:3 ҳисобда мағлубиятга урғатди. Ҳамюртларимизга ғалаба келтирган голлардан иккитаси Дилшод Ирсаев хисобига ёзилган бўлса, жамоа сардори Андрей Шлёма ва испаниялик легионер Жонатан Эрнандес биттадан тўп киритди.

Иккинчи тур учрашувида «Ардус» Ливан чемпиони «Ол Спортс»га 2:6

ҳисобда ютказиб қўйган бўлса-да, ҳал қилувчи — учинчи тур баҳсида ҳамюртларимиз ушбу мағлубият тасодиф эканини исботлади.

Таиланднинг «Банк Рбак» жамоасига қарши баҳсда ўзбекистонлик чарм тўп усталари 9:2 ҳисобда зафар кўчди. Мохир ҳужумчи Дилшод Ирсаев рақиб дарвозасини тўрт мартаба ишғол этди. Жамолиддин Шарипов ва Жонатан Эрнандес иккитадан голга муаллифлик қилди. «Ардус» посбони Рустам Умаров ҳам рақиб дарвозасини узок масофадан аниқ нишонга олиб, йирик ҳисобдаги ғалабага ўз ҳиссасини қўшди.

«Ардус» олти очко билан гуруҳ ғолибига айланди. Сўнгги турда «Ол Спортс» жамоасини 5:2 ҳисобда мағлубиятга урғатган «Нагоя Оушенс» футболчилари иккинчи ўринни эгаллаб, улар ҳам ярим финалга йўлланма олди.

Энди «Ардус» футболчилари финалга чиқиш учун «А» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Қатарнинг «Ар-Райя» жамоасига қарши майдонга тушадди. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари бугун аниқланади.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
**ЎзА шарҳловчиси**

## ФРАНЦУЗ СКРИПКА УСТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистонда машҳур француз скрипкачиси Фредерик Пелассининг концерт дастурлари ташкил этилади. Бу концертлар Франция Миллий байрамга бағишлаб ўтказилади.**

Мажмур концерт дастури Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Француз институти ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Француз скрипка устаси Фредерик Пеласси юртимизга илк бора келганида машҳур композиторлар Лало ва Франк асарларини муваффақиятли ижро этганди. Кутилаётган ташрифи доирасида у Теодор Дюбуанинг Скрипка ва оркестр учун концертини классик мусиқа муҳлислари эътиборига ҳавола этади.

Скрипкачининг биринчи концерти жорий йилнинг 8 июль куни Самарқанддаги 1-мусиқа ва санъат мактабида, иккинчиси — 12 июлда Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида, учинчи концерти эса 14 июлда Франция элчихонасида бўлиб ўтади.

Фредерик Пеласси бугунги кунда Франциянинг машҳур скрипкачилари қаторидан муносиб ўрин олган. У ўзининг ижодий фаолияти давомида турли минтақаларда 20 тадан ошдиқ мусиқий дисклари ҳамда 1000 дан зиёд концерт дастурларини тингловчиларга тақдим этган. Шунингдек, Фредерик Пеласси Париждаги Гектор Берлиоз номидаги консерваторияда ёш мусиқачиларга дарс бериш билан бир вақтда Европа давлатларида мастер-класслар ўтказиб келмоқда.

«Туркистон-пресс»

2012 йил 27 июнда Сайфуллаев Сайиджон Абдурашулович номига берилган юридик фанлар номзоди илмий даражаси тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан берилган 01№0066 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Шунингдек, Ибн Сино ҳомилдор аёлларнинг кўнгил айнишини бартараф этувчи, ҳазм қилишни яхшиловчи, сариқ касаллигини даволовчи воситалардан бири сифатида лимоннинг ўрни бекиёслигини билдирган. Бугун тиббиёт ходимлари томонидан лимон шарбати бир қанча касалликларга қарши профилактика тарзида қўлланиб келинмоқда. Жумладан, ҳомилдор аёлларда варикоз қон томирларининг кенгайишининг олдини олишда, жигар хасталиклари, бўғим ва мушаклардаги огрикни йўқотишда, бурун қонанининг бартараф этилишида ва кўплаб бошқа касалликларда тавсия этилади.

Дори воситаларининг ишлаб чиқарилишида ҳам лимон эфир мойлари ҳамда спиртли дори воситаларининг ноҳуш ҳидини йўқотувчи омил сифатида қўлланилади.

Турли таом, пиширик ҳамда ичимликлар тайёрлишида лимон кенг қўлланилади. Негаки у ҳар бир таом ва пиширилганга ўзгача таъм ва ифор бахш этади. Аммо лимон бир қанча фойдали ҳамда доривор хусусиятларга ҳам эга.

Лимонли кекс тайёрлаш учун лимон пўсти киргичдан ўтказилади, шарбати эса ажратиб олинади. Хона

**Дунёдаги лимон турлари 30 дан ортик. Лимоннинг доривор хусусиятлари қадимдан маълум бўлиб, маълумотларга қараганда лимон илон захрига қарши восита сифатида қўлланилган. Бухоро бобомиз Абду Али ибн Сино юрак уришида нуқсонни бўлган беморларга лимон ейишни тавсия этарди.**

хароратида эритилган сариеғ ҳамда олинган иссиқроқ кекс устидан шаробдан аралаштирилади. Сўнг Товуқ гўштидан лимонли салат тайёрлаш учун товук гўшти 1 дона лимоннинг шарбати билан яхшилаб аралаштирилган, туз, зира-ворлар сепилган ҳолда ярим соат давомида сақланади. Маринадланган товук гўшти озроқ мой суртилган товуга жойланиб, аввалдан қиздирилган газ печида пиширилади. Пишган товук сомонча шаклида тўғралади. Қатик, зайтун мойи, лимон пўстининг қириндиси, 1 чой қошиқ лимон шарбати ҳамда таъбга кўра туз аралаштирилади. Помидор лаппак шаклида, кўк пиез майда тўғралади. Товук гўшти, помидор, кўк пиез аралаштирилади, таъбга кўра туз сепилиб, устидан қатикли аралашма қуйилади.

**Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлаган**

### Биласизми?

## ЛИМОННИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

лимон шарбати ва лимон пўстининг қириндиси кўшилади. Тухум оқидан кўпиртма тайёрлиб, асталик билан хамирга бириктирилади. Мой суртилган қолигга ун ва майдаланган ёнғоқ бўлақлари сепилиб, хамир жойланади. Газ печи аввалдан 180 даражагача қиздирилиб, кекс 30 дақиқадан 1 соатгача пиширилади. Лимон шарбати ҳамда шакар упасининг аралашмаси газ печидан

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**  
**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**  
**Унда шошилиб таваккал қилманг.**  
**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда наҳдингизни беҳудуга совуришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорига 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори маалакали мутахассисларининг (+99899) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига кўнгирик қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилаб, энг юқори нархда сотишни кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунийликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорига энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**  
Лицензия: RR-0001

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЧ ДОНО БИГУР

### МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Дастурхони тўкин бўлса, ўтириш чўзилади.

\*\*\*

Бўйнида айби борнинг тили қисик бўлади.

\*\*\*

Бировнинг ишончини қозониш учун паст кетиш ярамайди.

\*\*\*

Бойга моли азиз, фақирга жони.

\*\*\*

Ҳақлик даввосини ноҳақ қилсин-да.

\*\*\*

Одамларнинг муносабати ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

\*\*\*

Ўзингга ўзинг талаб қўймагунингча олдинга силжиёлмайсан.

\*\*\*

Айблаш осон, сиз оқлашга ҳаракат қилинг.

\*\*\*

Бир мазасини билиб қолган нарсанин кўмсайверади киши.

\*\*\*

Андиша билан илм олдга силжмайди.

\*\*\*

Ҳамма нарса ҳам кутганингдек бўлавермайди.

\*\*\*

Болаларни ўргатманг пулга, Айланторманг умрини кулга.

\*\*\*

Ким тузингга тупуради, Ким юзингга.

\*\*\*

Ўзинг хоҳлаган ишни алоҳида завқ билан қиласан киши.

\*\*\*

Мухаббатсиз ҳам яшаш мумкин — одат, кўникма унинг ўрнини босади.

\*\*\*

Ҳеч нарса ўзидан ўзи бўлмайди.

\*\*\*

Охири кўринмагунча бир ишдан кўнглинг тўлмайди.

\*\*\*

Ҳаётда ҳаммаша ҳам айтганинг бўлавермайди.

\*\*\*

Ўзинг хоҳламаган нарсдан айб қидирма.

\*\*\*

Кўп ейиш ҳам жисмин чарчатади.

\*\*\*

Қарз бўлсину иш битсин.

\*\*\*

Бу ҳаётда ҳамма нарсага тайёр туриш керак.

\*\*\*

Ортиқча ишдан ҳамма ҳам қочади.

\*\*\*

Жангу жанжал кўпинча бекорчиликдан чиқади.

\*\*\*

Аҳмоқ ҳеч қачон тўғри қарорга келолмайди.

\*\*\*

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 7 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилиши-ўзгариб туради, ёнғарчи-га имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фаз шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон: 233-28-95, 236-57-65; факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00